

ТАЪЗИЯ



22:02 / 29.05.2021 1719

«**Hilol Nashr**» матбаа нашриёти ҳамда Islom.uz портали ижодий гуруҳи юртимизнинг таниқли уламози, устоз Муҳаммад Латиф домла Жуманнинг дорулбақога рихлат қилганларини чуқур қайғу билан маълум қилади.

Теран тил илми сабаб устоз Муҳаммад Латиф домлани «**Абу Наҳв**» дейишар эди.

Муҳаммад Латиф домла 2016 йилда, 58 ёшларида Қуръонни мукамал ёд олган эдилар.

Бир неча йиллардан буён Чеченистон Республикасида мадрасада дарс берар эдилар.

Бугун – 2021 йил, 29 май куни пешин намозидан сўнг талабаларга насиҳат қилиб ўтириб, омонатни топширибдилар.

Ушбу оғир жудолик муносабати ила устознинг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳум устознинг барча солиҳ амалларини, динимизга қилган хизматларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

«Мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз», деган сабриларга хушхабар беринг».

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси,

Islom.uz портали жамоаси